



СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2021



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
доцент **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррир:
PhD **Ф.А.Сафаров**,
Техник муҳаррир: и.ф.н.,
доцент **А.Н.Холиқулов**

Корректор:
С.А.Бабаназарова
Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:
samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика
қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – ЎзР Давлат Статистика қўмитаси
Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари
маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
профессори, иқтисод фанлари доктори

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ проректори, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шадиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокимининг
туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ		
М.Қ.Пардаев Коррупциянинг келтириб чиқарадиган муаммолар ва уларнинг оқибатлари		5
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ		
Қ.Ж. Мирзаев, Б.Х.Азизкулов, М.К.Жонузаков Рақамли иқтисодиётнинг дастурий таъминотлари самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари		10
К.И.Курпаяниди Некоторые вопросы разработки дорожной карты активизации инновационных процессов		17
Э. Б. Искандаров Факторы обеспечения эффективности инновационной деятельности в строительстве на базе использования кластерного подхода		21
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
М.А.Бекмирзаев Фермер хўжалиқларини барқарор ривожлантириш истикболлари		26
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ		
T.S.Sharipov, O.F.Ergashev O‘zbekistonda ishsizlikni kamaytirish yo‘llari va jahon tajribasining o‘rni		29
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС		
А.А.Азизкулов Ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳасининг халқ томоша уйинларида намоён бўлиши		33
А.Бектемиров Хизматлар самарадорлигини аниқлашда методологик ёндошув		37
А.Р.Ахмеджанов Сервис корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш		40
Хамрокул Рузиев Необходимость совершенствования организационно-экономического механизма оказания услуг в АПК Республики		45
Н.У.Султанова Персонал фаолияти самарадорлигини ошириш орқали хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш		49
I.X.Shukurov, S.A.Tashnazarov, Z.M.Bazarov Ovqatlanish xizmatlari sifatini baholashga qaratilgan tadqiqotlarning nazariy tahlili		53
Обид Пардаев Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида нархларни белгилаш ва тасдиқлаш механизмини такомиллаштириш		56
Б.Ш.Мусаев Маҳсулот сифатини оширишда “сифат тўгарак”ларининг ўрни		60
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ		
Б.И.Исроилов Covid-19нинг туризм ва иқтисодий хавфсизликка таъсири		63

И.С.Тухлиев, З.Б.Наврўз-зода Ўзбекистонда зиёрат туризмни кластер ёндашувида ривожлантириш моделлари	67
В.Х.Сирлибоев Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантириш муаммолари	73
А.Ниязов, Б.Тураев Способы реанимации туризма в самарканде после пандемии коронавируса	78
Д.М.Абдураимов Худудий туризм инфратузилмаси ривожланишининг асосий йўналишлари ва таъминоти	83
З.Т.Бакаев Ўзбекистон туризм индустриясида интернет-технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш	88
Ш.С.Сайфутдинов Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиш жараёнлари ва ҳолати	92
Ш.Т.Туйчиев Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари	97
Т.Lukiyev, D.Usmanova The impact of staff motivation on effectiveness of the tourism activities	101
О. Juliboy o'g'li COVID-19 pandemiyasi va uning turizm sohasidagi mehnat munosabatlariga ta'siri	106
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Г.М.Шадиева, О.М.Пардаева Инновацион иқтисодий шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш имкониятлари	111
Л.Н.Худоёров Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишини тренд моделларидан фойдаланиб прогнозлаш	117
Ш.С.Олгаев Мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар	120
М.М.Ибрагимов Фермер хўжалиқларида узумзорлар барпо этиш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш	124
А.А. Бектемиров Тадбиркорлик рискларини баҳолаш ва уни пасайтириш йўллари (1-мақола)	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Р.А.Рафиқов, А.Н.Холиқулов Нефть-газ комплексидаги акциядорлик жамиятларида инновацион корпоратив бошқаришни такомиллаштириш	133
З. М.Усманова К подходам совершенствования механизма управления персоналом на предприятиях лёгкой промышленности	137
Ш.Х.Максудов Саноат корхоналарини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини бошқариш стратегияси	140
МОЛИЯ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ	
Т.С.Маликов, С.Я.Исмоилова Маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларнинг сабаблари таҳлили	144

мизда иқтисодий ўсишнинг таъминланиши қишлоқ хўжалиги ва улар маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш эвазига содир бўлди.

Худди шунингдек инфляция даражаси мамлакат хавфсизлиги даражасини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан яна бири ҳисобланади. Шу сабабли иқтисодий ўсиш суръати барқарор давлатлар халқаро тажрибаси инфляция даражасининг ўсиш суръатининг 1-3 фоиз миқдорда бўлиши мақбул ҳисобланиб, унинг 5-6 фоиз даражадаги миқдори мақбулликнинг энг юқори кўрсаткичи ҳисобланади[5].

2020 йил якунлари бўйича мамлакатимизда инфляция даражаси ўртача 11,1 фоизни ташкил этди. 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ўсиш суръати 15,3 фоизни, нооziқ овқат маҳсулотлари нархи 8,8 фоиз, хизматлар нархи эса 7,1 фоизни ташкил этди. 2019 йилга нисбатан тухум нархи 37,6 фоиз, ёғ нархи 27 фоиз, гўшт маҳсулотлари 18,1 фоиз ва нон маҳсулотлари эса 15,2 фоизга ошган. Ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун мақбул меъёр энг юқори даражаси бўлган 4 фоиздан 7,1 фоиз миқдорда ўсганлиги салбий ҳолат ҳисобланади¹.

Шунингдек, бозорда иқтисодий фаолликнинг сусайиши ва аҳоли истеъмоли даражасининг ўтган даврга нисбатан пасайиши ҳисобига аҳолининг пластик карталаридаги маблағлари миқдори 26 фоизга ўсиши кузатилган. Фикримизча, юқорида қайд этилган ҳолат аҳоли даромадининг пасайиши натижасида истеъмол миқдори камайиши билан характерланади.

Covid-19 инфекцияси муносабати билан G-20 гуруҳи давлатлари томонидан мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳужжатлар қабул қилди. Хусусан, АҚШда иқтисодиёт ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча 2 трлн. миқдорда маблағ ажратиши натижасида бюджет харажатлари миқдори 1945 йилдан буён кузатилмаган бюджет даромад қисмидан 4 трлн. доллар кўп даражани ташкил этди. Буюк Британияда аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 12 млрд. фунт стерлинг ҳамда узок мудатли чора-тадбирларни молиялаштиришга 18 млрд. фунт стерлинг йўналтириши бюджет харажатларини ЯИМга нисбатан 1,3 фоизга кўпайтирган [5]. Шунингдек пандемия оқибатида иқтисодий хавфсизликни ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланган ташқи қарз миқдорининг G-20 гуруҳи давлатлари ва Ўзбекистонда йил бошидан буён 19,7 фоизга ўсиши кузатилди.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда туризм тармоғини жадал ривожлантириш масалаларига иқтисодий хавфсизликни таъминловчи иқтисодий ўсиш, бюджет даромадини шакллантириш, аҳоли бандлиги, хизматлар экспорти бўйича валюта тушумини таъминловчи ижобий омил сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Covid-19 инфекциясининг соҳага салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида:

- *мамлакатда электрон туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;*
- *пандемия сабабли соҳа берилган имтиёزلарни мамлакатга четдан жалб этилган туристлар сонига мос равишда қўллаш;*
- *туристларни соғлигини онлайн назорат қилиб бориш бўйича мобил илова ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В.Е.Росси́к. Истоки экономического кризиса. // Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 28 (209). Экономика. Вып. 30. С. 23–26.
2. Ж.К.Гэлбрейт. Великий крах 1929 года / Дж. К. Гэлбрейт ; пер. с англ. С. Э. Борич. Минск; Попурри, 2009.
3. Н.Д.Кондратьев. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения // Кондратьев, Н. Д. Избранные труды. М. : Экономика, 2002.
4. Большая российская энциклопедия. https://bigenc.ru/world_history/text/1904607

¹ <https://kun.uz/ru/news/2021/01/02>.

5. B.I. Isroilov, U. Kh. Abduganiyev, B.B. Ibragimov. Financial Control of Public Procurement to Prevent Corruption in the Development of Digital Economy. <https://www.atlantis-pess.com/proceedings/mtde-20/125939770>.
6. Sh.Uljaeva, B.I. Isroilov, B. Toshev, Kh. Botirova, B. Raxmonov. The Posts and Ranks Concerning to a Local and Religious Administration. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Special Issue 1, 2020 ISSN: 1475-7192, DOI: 10.37200/IJPR/V24SP1/PR201184, Pages: 507-514.
7. B.I. Isroilov, B.B. Ibragimov. Issues of using economic analysis in ensuring tax control. Finance Journal, 2015, Pages 69-73.
8. М.Қ. Пардаев, И.Т. Абдиқаримов, Б.И. Исроилов. Иқтисодий таҳлил. Т. Мехнат. 2004.
9. Б.И. Исроилов, Н.Г. Каримов., Б.Ибрагимов. Роль информационного обеспечения в анализе состояния экономического безопасности. V Международной научно-практической online-конференции, Новополюцк, 26 ноября 2020 г. / Полоцкий государственный университет. – Новополюцк, 2020. ISBN 978-985-531-720-4, № гос. регистрации 3061815625 от 23.05.2018.
10. B.I. Isroilov, B.B. U. Ibragimov, B.J.U. Ibrohimov. Problems of Ensuring Economic Security in the Context of Deepening Globalization and Digitalization. <https://doi.org/10.2991/aebmr.k.201205.031>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли Фармони.
“Ўзбекистон Республикаси ҚХТ”, 2020 йил 24 март, №11, 119-м.

Б.Исроилов	B. Isroilov
Влияние Covid-19 на туризм и экономическую безопасность	Impact of Covid 19 on tourism and economic security
<p>Аннотация: Туризм является фактором развития мировой экономики в сферах транспорта, дорог и строительства, торговли и услуг, национальных ремесел и культуры. Из-за вируса Covid-19 страны по всему миру запретили въезд, выезд, все виды поездок и наложили ограничения на производство, торговлю и услуги, что привело к резкому снижению экономического роста, занятости и доходов. В статье описывается негативное влияние распространения Covid-19 на уровень экономической безопасности стран, в частности Узбекистана, на примере туристической отрасли.</p> <p>Ключевые слова: туризм, субъекты туризма, инфляция, экономической безопасности, исходы пандемия.</p>	<p>Abstract: Tourism is a factor in the development of the world economy in the areas of transport, roads and construction, trade and services, national crafts and culture. Due to the Covid-19 infection, countries around the world have banned entry, exit, all types of travel and imposed restrictions on production, trade and services, resulting in a sharp decline in economic growth, employment and income. The article describes the negative impact of Covid-19 infection on the level of economic security of countries, in particular Uzbekistan, using the example of the tourism industry.</p> <p>Keywords: tourism, tourism entities, inflation, economic security, pandemic outcomes.</p>

И.С.Тухлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Б.Наврўз-зода – БухДУ катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ КЛАСТЕР ЁНДАШУВИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада Ўзбекистон зиёрат туризмини жадал ривожлантириш учун уни самарали ташкил этишнинг инновацион усулларидан бири бўлган кластер ёндашувининг моделлари таҳлил қилинган ва дестинацион менежмент модели зиёрат кластерини шакллантиришда мамлакатимиз учун мақбул моделлар сифатида танлаб олинган.</p> <p>Калит сўзлар: зиёрат туризми, туризм кластери, зиёрат кластери, кластерларни шакллантириш, туризм дестинация, дестинацион менежмент.</p>
--

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энг катта туристик салоҳиятга эга бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси,

шунингдек тармоқни бошқариш тизими глобаллашув ва кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мос келмайди. Шу туфайли республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, улар рақобатбардошлигини янада ошириш, Ўзбекистоннинг зиёрат туризм салоҳиятини тўлиқ ўрганиш, маълумотларни тизимлаштириш ва қулай ички ҳамда халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида зиёрат туризмни жадал ривожлантириш зарурлиги тўғрисида фикр юритиб, юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500таси киритилганлигини қайд этди ва Ўзбекистон ҳукуматига зиёрат ва анъанавий туризм йўналишларига кирувчи объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди [1]. Дарҳақиқат Ўзбекистонда янги уйғониш-Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилиш шароитида мамлакатимизда зиёрат туризмни жадал ривожлантириш учун уни самарали ташкил этишнинг инновацион усулларини қўллашни тақозо этмоқда, бундай усуллардан бири кластер ёндашуви ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Туризм соҳасини кластерли ёндашув асосида ривожлантириш, жумладан зиёрат туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари қуйидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган: Porter, M. E. [2], Лысикова О.В. [3], Петрова О.Н. [4], Даниленко Н.Н., Рубцова Н.В. [6], Бойко А.Е. [10], Карпова Е.Г. [11], Морозов М.А., Львова Т.В. [12], И.С.Тухлиев, М.К.Пардаев, Наврўз-зода Б.Н., Ибрагимов Н. [13] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган. Аммо, мамлакатимизда зиёрат туризмни кластер ёндашувида ривожлантириш моделлари назарий ва амалий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Илмий адабиётларда-кластер тушунчасининг турли ёндашувлари ва талқинлари мавжуд бўлиб, кластер атамасининг иқтисодий жиҳатида Гарвард университети профессори Майкл Портер эътибор қаратиб, бу маълум бир соҳада ўзаро боғлиқ компания ва муассасаларнинг географик концентрацияси [2] деб, таъриф берган. Биз ишимизда турли олимлар томонидан ишлаб чиқилган туризм кластери моделларини қиёсий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда зиёрат кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари бўйича ўз тавсияларимизни ишлаб чиқдик.

Туризм кластери-туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасаларининг бирлашмасидир. Бу иборанинг турли талқинлари мавжуд. Бир гуруҳ олимлар туризм кластерини тор маънода – минтақавий туризм-рекреация тизими сифатида [3], бошқалари уни кенг маънода – худуднинг манфаатлари, мустақиллиги, рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишини кучайтиришга йўналтирилган минтақавий бошқарув механизми сифатида [4] ўрганадилар. Туризм кластери модели – рақобатбардош туризм хизматлари кўрсатиш учун зарур шарт-шароитларни ярата оладиган, ресурсларни мувофиқлаштириш ва тарқатиш учун зарур элементларнинг изчил ривожланаётган мажмуидир [5]. Туризмга бағишланган хорижий ва мамлакатимиздаги адабиётларда туризмни кластер ёндашувида ташкил этиш ва ривожлантиришнинг турли назарий моделлари мавжуд. Биз туризм кластери моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини аниқлаш мақсадида —туризм кластери моделлари тафсилоти бўйича олимларнинг олтига илғор моделини танлаб олдик ва қиёсий таҳлил ўтказиш учун 1-жадвалнинг 1-6 нчи сатрларида жойлаштирдик.

Қиёсий таҳлил жараёнида туризм кластерлари моделларининг зиёрат кластерини шакллантириш хусусиятларига мослигини аниқлаш учун —тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шакли сифатидаги туризм кластерларининг зарур ва етарли хусусиятларини аниқлаш

мақсадга мувофиқ бўлди [6, 48 б.]. Бунда, биз хўжалик юриштишнинг турли даражаларида кластерларни шакллантиришнинг ўзига хос белгиларини ҳисобга олиб, уларни учта гуруҳи бўйича 10 та хусусиятини аниқлаб олдик. Гуруҳлар кесимида кластерларни шакллантирувчи хусусиятлари куйидагилардан иборат:

I. Иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантириш хусусиятлари:

- Худудий бирлик.
- Тармоқ ва тармоқлараро алоқалар мавжудлиги.
- Кооперацион алоқалар.
- Давлат-хусусий шериклик.
- Ички ва ташқи рақобат.

II. Туризм соҳасида кластерларни шакллантириш хусусиятлари:

- Туризм соҳасига турдош бўлган тармоқ ва ташкилотлар.
- Туризм худудлари шаклланганлиги.
- Номоддий хусусиятдаги туризм маҳсулотининг технологик занжирини яратиш.
- Худудда турагентлик ва троператорларнинг устунлиги.

III. Зиёрат туризмида кластерларни шакллантириш хусусиятлари:

- Жозибадор зиёрат дестинация (худуд)лар мавжудлиги.
- Зиёратчиларнинг кластерда иштироки.
- Зиёратгоҳларнинг зиёратчилар ибодат қиладиган динларига мос келиши.

1-жадвал

Туризм кластери моделларининг зиёрат кластербоплиги хусусиятларига мослигининг қиёсий таҳлили*

№	Туризм кластери моделлари (муаллифлари ва давлати)	Кластерларни турли хўжалик юриштиш даражаларида шакллантириш хусусиятлари									
		Иқтисодий тармоқларда					Туризм соҳасида			Зиёрат туризмида	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Туризм кластер глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели (N. Kim & E. Wicks, АҚШ)	+	+	+	+	+	-	+	+	-	-
2	Кластерлаштирилган туризм дестинацияси модели (A. Malakauskaite, V. Navickas, Польша)	+	+	+	+	+	+	-	+	-	-
3	Туризм кластерининг тизимли модели (А.Е. Бойко, Россия)	+	+	+	-	-	-	+	+	-	-
4	Жараён ёндашуви асосида туризм кластерининг таркибий модели (Е.Г. Карпова, Россия)	+	+	+	-	+	-	+	+	-	+
5	Туризм кластерининг географик модели (М.А.Морозов, Т.В.Львова, Россия)	+	+	+	-	-	+	-	-	-	-
6	Туризм кластерининг дестинацион менежмент модели (Б.Н. Наврўз-Зода, Н.С. Ибрагимов, Ўзбекистон)	+	+	+	-	-	+	-	+	-	-

Муаллиф ишланмаси

*Изоҳ: «+» - хусусият мавжуд; «-» - хусусият мавжуд эмас.

Ушбу кластер шакллантирувчи хусусиятларни учта гуруҳ бўйича юқорида санаб ўтилган тартиб-рақамга риоя этган ҳолда ифодаланган 1 дан 10 гача сонларда 1-жадвалнинг устунларида жойлаштирилди. 1-жадвалнинг маълумотларидан фойдаланиб, кластер моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигини қиёсий таҳлил ўтказиш мақсадида танланган 6 та моделдан ҳар бирининг мазмун-моҳияти ва ички тузилиши мақолада навбатма-навбат ёритилган ҳолда, уларнинг хўжалик юриштишнинг

иктисодиёт тармоғидаги 5 та, туризм соҳасидаги 3 та ва зиёрат туризмидаги 2 та (жами 10 та) кластер шакллантирувчи хусусиятлари билан қиёслаб борилди. Қиёсий таҳлил ўтказиш жараёнида ҳар бир моделнинг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мос келиши ёки мос келмаслиги аниқлаб олинди.

Агар ўрганилаётган кластер модели кластер шакллантирувчи хусусиятига мос келса, моделнинг жадвалдаги сатри (масалан, 1-сатрда жойлашган —Туризм кластери глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели)ни кесишиб ўтадиган кластербоплик хусусиятининг сони жойлашган устунни (масалан, 1-устунда жойлашган —Худудий бирлик хусусияти)да —+ белгиси, агар мос келмаса – белгиси қўйиб чиқилади. Шундай қилиб, жадвалдаги 6 та кластер моделининг ҳар бири 10 та кластербоплик хусусиятлари билан солиштириб чиқиш йўли билан қиёсий таҳлил амалга оширилди.

1-жадвалнинг 1-сатридан кўриниб турибдики, илк туристик модель АҚШ олимлари Н. Ким ва Б. Викс (Namhyun Kim & Bruce E. Wicks) томонларидан тузилган бўлиб, Майкл Портернинг классик – Бриллиант моделини туризм соҳасига мослаштирилган, —*Туризм кластери глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш модели* деб номланади. Бу кластер модели тўртта омилга асосланади: асосий ресурслар ва диққатга сазовор жойлар; дестинацион менежмент; тўлдирувчи шароитлар ва талаб шартлари. Моделда кластер иштирокчилари сифатида ҳукумат органлари, дестинацион менежмент ташкилотлари, университетлар, туризм соҳаси билан боғлиқ оддий ва трансмиллий компаниялар ажратилган. Кластер моделида омиллар ва иштирокчиларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлиги натижасида туризм рақобат устунлигига эга бўлиб, ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминланувчи воситага айланиши кўрсатилган [7, 5 б.].

Туризм кластери глобал рақобатбардошлигининг ривожланиш моделини жадвалдаги кластерларни турли хўжалик юритиш даражаларда шакллантириш хусусиятлари билан қиёсланганда, иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантирувчи 5 та хусусиятига тўлиқ мос келади (улар жадвалга —+ белгиси билан кўрсатилган), туризм кластери учун зарур хусусиятларнинг 6 – —Туризм ҳудудларининг шаклланганлигига унча мос келмайди (бу ҳолат жадвалда — белгиси билан кўрсатилган) ва 7 – —Номоддий хусусиятдаги туризм маҳсулотининг технологик занжирини яратиш ҳамда 8 – —Худудда турагентлик ва троператорларнинг устунлиги хусусиятларига тўлиқ мос келади.

Бироқ таҳлил қилинаётган кластер модели зиёрат туризмда кластерларни шакллантирувчи иккала: 9 – —Жозибадор зиёрат дестинация (худуд)ларнинг мавжудлиги ва— —Зиёратчиларнинг кластерда иштироки хусусиятларига мос келмаслиги аниқланди. Бу ҳолат жадвалда —белгиси билан ифодаланган.

Қиёсланадиган иккинчи туризм модели Польша олимлари А. Малакаускайте ва В. Навискас (A. Malakauskaite, V. Navickas) ишланмалари бўлиб, у —*Кластерлаштирилган туризм дестинацияси модели* деб номланади [8]. Туризмда кластерлаштириш назариясининг ривожланиши натижасида туризм кластерининг худуд манфаатларини мустақамлашга, унинг мустақиллиги, рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишига кўмаклашувчи худудий бошқарув механизми сифатида ўрганилувчи янгича модулнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бу модулнинг моҳияти шундан иборатки, тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик нафақат кластерга киритилган компаниялар, балки туризм кластери фаолият юритувчи худуд – туризм дестинациясининг узоқ муддатда рақобатбардошлигини оширишга ҳам бевосита кўмаклашади. Унда туризм дестинациясини тарқатиш майдонининг кўлами ҳар хил бўлиши мумкин. Бу модель бошқа моделлардан фарқли ўлароқ, —туризм худуди (дестинацияси) элементини камраб олади ва унинг мавжудлиги туризм моделининг зарур хусусиятларидан бири ҳисобланади [9, 57 б.].

Бу моделда рақобатбардошлик, ички рақобат интеграцияга асосланади, унда худуднинг ривожланиши эътиборга олинган, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши ва академик институтларнинг иштироки ҳам мавжуд. Моделнинг, фикримизча, камчилиги – дестинацион менежмент ва маркетингни ҳисобга олмаганлиги ҳамда моделнинг

тузилишида кўшилган қиймат занжири (7-хусусият) ўз аксини топмасдан қолганлигида. Юқоридаги моделга ўхшаб, унда ҳам зиёрат туризмида кластер шакллантирувчи иккала хусусият ҳам ҳисобга олинмай қолган.

Туризм кластерлари эволюциясидаги навбатдаги модель Россия олими А.Е. Бойко томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, — *Туризм кластерининг тизимли модели* деб номланади [10]. Мазкур модель ресурсларни мувофиқлаштириш ва тарқатиш учун зарур элементларнинг изчил ривожланаётган мажмуи шаклида шакллантирилган. Моделни амалга ошириш истеъмолчилар эҳтиёжларини қондирувчи рақобатбардош туризм хизматлари кўрсатиш учун шароит яратиш имконини беради. Бу модель кластернинг тизимлилиги, элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тўлдиришини акс эттиради. У ҳар қандай минтақа ёки ҳудудлар гуруҳи учун ишлатишини таъминлайди.

Моделни лойиҳалаш учун туризм ресурслари пойдевор сифатида танланган, чунки улар туризмни ривожлантиришда муҳим ўринга эга ва туризм саёҳатларининг асосий сабабчиси ҳам ҳисобланади. Туризм кластерининг тизимли модели қуйидаги элементларни ўз ичига олади: туризм ресурслари; туроператор ва турагентликлар; жойлаштириш воситалари, овқатланиш, транспорт ва дам олиш хизматларини кўрсатувчи провайдерлар; туристларга қўшимча (чакана, жумладан сувенирлар савдо, суғурта, алоқа, молия, тиббий) хизматлар кўрсатувчи корхоналар; ташқи муҳит омиллари. Мазкур туризм кластерини яратиш қуйидаги етти босқичини ўз ичига олади: чегараларни аниқлаш; идеаллаштирилган моделни яратиш; шаклланиш салоҳиятини ўрганиш; туризм маҳсулотларини тавсифлаш; инфратузилмани таҳлил қилиш; ташқи шаклланиш шароитларини ўрганиш; умумий натижаларни баҳолаш ва лойиҳа модели ҳамда ривожланиш стратегиясини танлаш.

Мазкур кластер модели 1-жадвалдаги —Кластерларни турли хўжалик юритиш даражаларида шакллантириш хусусиятлари билан қиёслаганда, иқтисодий тармоқларда кластерларни шакллантирувчи 5 та хусусиятдан фақат 3 таси —Худудий бирлик, —Тармоқ ва тармоқлараро алоқалар мавжудлиги ва —Кооперацион алоқалар хусусиятлари ҳамда туризм соҳасида кластерларни шакллантирувчи барча хусусиятларга тўлиқ мос келади. Лекин зиёрат туризмида кластерларни шакллантирувчи иккала: 9 —Жозибатор зиёрат дестинациялари (ҳудудлари) мавжудлиги ва 10 —Зиёратчиларнинг кластерда иштироки хусусиятларига эса мос келмайди.

Қиёсланувчи тўртинчи туризм кластери модели россиялик олима Е.Г. Карпова томонидан яратилган —*Жараён ёндашуви асосида туризм кластерининг таркибий модели* ҳисобланади [11]. Муаллиф томонидан туризмда қийматни жамғариш тизимини ҳисобга олган ҳолда жараён ёндашуви асосида туризм кластерининг таркибий модели таклиф этилган. Моделнинг афзал томони —сотиш каналлари – транспорт хизматлари – жойлаштириш воситалари – овқатланиш масканлари – кўнгилочар иншоотлар – туризм хизматлари мажмуаси истеъмоли занжирини тузиш ҳамда ҳудудда маҳаллий устунликлар асосида максимал даромад олиш учун ҳамкорлик, рақобат ва инфратузилмани ривожлантириш кўзда тутилган. Бу модель доирасида кўшилган қиймат занжиридан таркиб топган қиймат ошириш тизимини яратган ҳолда туризм кластери таркибий моделининг асосий элементлари аниқланган.

Моделнинг асосий элементи туристларнинг эҳтиёжлари бўлиб, уларни қондириш учун туризм хизматларини мажмуали кўрсатишнинг асосий жараёни шакллантирилади. Бунда асосий бизнес жараёнлари сотиш каналлари, транспорт хизмат кўрсатувчилари, жойлаштириш воситалари, овқатланиш масканлари, кўнгилочар муассасалардан иборат занжирни ўз ичига олган туризм кластерининг қийматини жамғариш тизими сифатида қаралади. Жараён ёндашуви нуқтаи назаридан бу моделнинг кириш жараёнини – туризм хизматларини яратиш ташкил этилса, чиқиш жараёни – туризм хизматлари мажмуасини истеъмол қилиш кўринишида намоён бўлади.

Туристларнинг қониқиш даражаси кластердаги барча иш жараёнлари натижаларини баҳолаш мезони сифатида ўрганиб, тескари алоқа орқали мувофиқлаштириш ва бошқариш жараёнининг мазмуни аниқланади. Бу модель иқтисодий тармоқларда кластерларни

шакллантирувчи фақат 4 – —Давлат-хусусий шериклик хусусиятига, туризм соҳасида кластерларни шакллантиришнинг 6– —Туризм ҳудудлари шаклланганлиги хусусиятига ва зиёрат туризмида кластерларни шакллантирувчи 9 – —Жозибатор зиёрат дестинация (ҳудуд)лари мавжудлиги хусусиятига эса мос келмайди.

Туризм кластерларини шакллантиришнинг бешинчи ва олтинчи қиёсланаётган моделлари ҳам зиёрат кластербоплик хусусиятларига мос келиши ёки мос келмаслиги аниқлаб олинди.

Хулоса ва таклифлар. Туризм кластерларини шакллантириш турли моделларининг зиёрат кластербоплик хусусиятларига мослигининг қиёсий таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Ўзбекистонда туризмнинг истикболли шакли сифатидаги зиёрат туризмни кластер ёндашувида ривожлантириш учун кластерлар моделларининг бешта классик хусусиятлари билан бир қаторда унинг яна учта туризм соҳаси учун зарур ва иккита зиёрат туризми учун етарли - муқаддас жойлар мавжудлиги ва —зиёратчиларнинг кластерда иштироки хусусиятларини ҳисобга олган тақдирдагина зиёрат кластерини ташкил этиш имкони вужудга келади.

Туризмда кластер ёндашувидан фойдаланишда ушбу соҳанинг ўзига хос хусусияти сифатида кластерни туристик ҳудуд (дестинация) контекстида кўриб чиқиш зарур деб, ҳисоблаймиз. Бундан келиб чиқиб, туризм дестинацияси билан боғлиқ 3 та - —Кластерлаштирилган туризм дестинацияси, —Туризм кластерининг географик ва —Дестинацион менежмент моделлари зиёрат кластерини шакллантириш учун мақбул моделлар сифатида хизмат қилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданият (ISESCO)нинг қарорига кўра 2020 йил 1 январдан эътиборан қадимий ва ҳамisha навқирон Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олиши ва ушбу брендининг халқаро миқёсда нуфузини ошириш учун ҳудудда мавжуд кўпгина муқаддас жой ва табаррук қадамжоларнинг зиёратчилар нигоҳида жозибаторлигини ошириш ва ҳудудга наф келтира олишга қаратилган таъсирчан ва самарали чора-тадбирларни кўришни тақозо этади.

Ўзбекистонда зиёрат туризм оқимларини кескин кўпайтириш мақсадида географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган жозибатор зиёрат масканлари негизда ҳудудий зиёрат кластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Бухоро вилоятининг 5 та туманида жойлашган —хожагон-нақшбандия тариқати силсиласининг олтин ҳалқаси билан узвий боғланган еттита пири комиллар зиёратгоҳлари негизда —Етти Пир зиёрат кластерини ташкил этиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган кластер ёндашувининг моделлари таҳлили ва ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда маданий туризм билан бир қаторда зиёрат туризмни ҳам кластер усулида жадал ривожлантириш имконияти янада кенгайиб, Ислом дунёсининг миллионлаб туристлари мамлакатимизга зиёрат учун келишлари таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/ru/lists/view/3324> (мурожаат санаси: 24.01.2020).
2. Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 1998.P: 77-90.
3. Лысикова О.В. Саратовский туристско-рекреационный кластер: предпосылки создания и развития.— Елец: Елецкий гос. ун-т им.И.А.Бунина, 2009.
4. Петрова О.Н. Кластер как инструмент обеспечения конкурентоспособности туристского комплекса региона. Региональная экономика: теория и практика. 2010. №13(148). С.45-51
5. Наталья Сорпова. Методические аспекты формирования туристского кластера. <https://pandia.ru/text/77/156/22996.php> (дата обращения: 10.04.2020).
6. Даниленко Н.Н., Рубцова Н.В. К вопросу о содержании понятия «Туристский кластер» Региональная экономика: теория и практика. 2013. №33. 45-53 с.URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-soderzhanii> (дата обращения: 12.04.2020).